

Янги Қуддус

Бутун дунё Ибодатхоналари

Тони Аламо

Аламо Христиан Халқи

ЖИЛД 17600

ЮКСАКЛИКДА, ОСМОНДА КАРОМАТ, ТУБАНЛИКДА, ЕР ЮЗИДА ЭСА АЛОМАТ

Тони Аламо

Учар ликоплар ҳам деб ата- лувчи НУЖларни миллион- лаб одамларнинг кўриб қолиш ҳолати хабар қилинган. НУЖ- ларнинг мавжуд эканлигини инкор қилишнинг ҳеч ҳожати йўқ, чунки улар ҳақиқатан ҳам мавжуддир.

Исо шогирдлари УНИ саволга тутди, “Бу нарсалар қачон бўлажагини бизга айтгил? СЕНИНГ келишининг ва дунё охиратининг белгиси нима бўлур? ИСО жавоб берди ва уларга бундай деди, ҳеч ким алдамасин учун эътибор қилинг. Чунки кўплар мен МАСИХман деб МЕНИНГ исмим билан келгай; ва кўпларни йўлдан оздиргай. Сўнгра эса урушлар ва урушлар ҳақида миш-мишларни эшитарсиз [Вебстер Лугатида дейиладики, урушлар қисман қора ўлатлар, яъни ўлимга олиб келувчи эпидемик хасталик, ўлат; зарарли деб ҳисобланган ҳар қандай нарса; буюк эҳтимолларла ўлимга олиб келмок; жамиятга хавфли (урушнинг ҳалокатли хавфи)]: сиз ташвишга тушмаслигингизга диққат қилинг: зеро бу барча нарсалар рўй бериши керак, бироқ охират ҳали эмас. Чунки халқ халққа қарши кўтарилажак, шоҳликлар эса шоҳликларга қарши: у ерда эса қаҳатчиликлар ва қора ўлатлар [урушлар, хасталиклар, қурғоқчилик, довуллар,



Тони ва Сузан Аламо, 1970 йилларда ва 80 йиллар бошларида ўзларининг оркестра ва жўр телевизор дастури

сув тошқинлари], ҳамда кўплаб бошқа ерлардаги зилзилалар бўлгай. Буларнинг барчаси озорларининг бошланишидир.

“Сўнгра улар сизни буюк азият чектиришга олиб чиқур ва ҳалок қилур: сизлардан эса [РУХДА-қайта-туғилган Масихийлар] МЕНИНГ исмим туфайли барча халқлар нафратлангай. Сўнгра эса кўплар дили сиёҳ бўлгай ва бири бошқасига хиёнат қилгай, ҳамда бири бошқасидан нафратлангай” (Матто 24:3-10).¹ “Нафрат (Hatred),” Вебстер Лугатида, “бирон нимани кучли хуш кўрмаслик ёки яхшилиқни раво кўрмаслик (нодўстона ёки душманона ҳис), қутилишни иташ [ХУДОдан нафратланиш, Инжилдан нафратланиш, Масихийлардан нафратланишдаги каби] ларни англатади.”

Хаворий Бутрус “юксакликда, осмонда каромат, тубанликда, ер юзида эса ало- мат” (Хаворийлар 2:19) бўлгай деб дунё охирати тўғрисида Йўэлнинг башоратини қисман акслантиради. Жаннатий тузилиш беҳад ўзгарганлигини билармидингиз? Шунингдек, одамлар кўриб келаётган ўша НУЖлар ёки учар ликопча- лар аслида ер устига уни як- сон қилиш учун ХУДОнинг ғазабини тўқишларидан аввал ерни диққат билан кўздан ке- чирувчи фаришталар эканли- гини билармидингиз? ХУДО доимо ер гуноҳкорлари устига ЎЗИНИНГ ғаза- бини тўқиш учун ЎЗ фаришталарини белгиланган мақсадда жўнатган.²

Ибтидо 6:6-7 да “ер юзида У инсон- ни пайдо қилганидан ЭГАМИЗга тавба қилди ва У ЎЗ ич-ичидан (юрагида) бундан каттиқ қайғуга ботди. ЭГАМИЗ эса айтдики, ЎЗИМ яратган инсонни ер юзидан кириб юбораман; одамдан тортиб маҳлуққача, ерда қимирловчи- дан тортиб кўкдаги паррандагача; чун- ки уларни яратганимдан МЕН пушай- монман (тавбадаман)”-деб айтилади.

Энди ИСО Матто 24:37-39 да ҳам, “Лекин, Нух пайгамбар кунларидаги қандай бўлса, инсон ЎҒЛИ келиши ҳам ўшандай бўлгай” деб таъкидланади. Чунки тошқиндан аввал

(2 Саҳифада давоми бор)

ЮКСАКЛИҚДА, ОСМОНДА КАРОМАТ, ТУБАНЛИҚДА, ЕР ЮЗИДА ЭСА АЛОМАТ

(1 Саҳифанинг давоми)

бўлган кунлар каби, улар Нух пайғамбар кемага кирган кунга қадар, еб-ичардилар, уйланиб, турмушга чиқардилар. Бундан ташқари тошқин келгунча ва уларнинг барчасини оқизиб кетгунча билмасдилар; инсон Ўғли келиши ҳам шундай бўлмай” дея таъкидланади.

Нух пайғамбар кунларида У инсонни яратган ХУДОни не қадар пушаймон қилса, шу қадар Нух пайғамбар, унинг хотини, унинг уч ўғли ва уларнинг хотинларидан ташқари барча тирик мавжудотни ерда тошқин орқали кириб ташлаш учун У ЎЗИНИНГ фаришталарига эга, ХУДО дунё одамлари Нух пайғамбар кунларидаги одамлардан кўра кўпроқ гуноҳкор деб ҳисобласа, У бутун дунё аҳолисига бугунги кунда ҳам айнан ўшандай қилиш мақсадида Ўз фаришталарини ишга солади деб ўйлармидингиз?

Урғочи фаришта деган нарса йўқ. ХУДОнинг барча фаришталари эркакдир. Учар ликопчаларни бошқарувчиларнинг барчаси бугунги кунда ердаги содир этилган ёвузликларни диққат билан кўздан кечирувчи ва буткул ер устига тез орада келиши муқаррар ҳалокат намунасини ердаги одамларга турли жойларда кўрсатувчи эркак фаришталардир.

Бутун вақт давомида, ХУДО Битикнинг ҳамма жойида Садўм, Гамўра ва кўплаб бошқа жойлардаги каби ерда инсонлар зоти томонидан қилинган Шайтоннинг ишларини йўқ қилиш мақсадида ҳамиша яхши фаришталарни ишга солган.³ Ҳозирги ернинг иккинчи ва охириги йўқ қилинишида, ХУДО Ваҳий китобида бизга айтадики, ер бутунлай вайрон қилингунча охириги ўн тўрт ўлатни унга тўкажак фаришталар бўлмай.⁴

Ваҳий 8:2 дан 9:21 га қадар дейиладики, “Шунингдек мен ХУДО олдида турган етти фариштани кўрдим; уларга эса етти бурғу (карнай) берилган. Бошқа фаришта эса келиб олтин ладандон билан қурбонгоҳ ёнида турди; тахт олдида бўлган олтин қурбонгоҳ устига барча авлиёларнинг

ибодатлари билан таклиф қилиши керак бўлган кўп хушбўй тутатқилар унга берилди. Авлиёлар ибодатлари билан бирга келган хушбўй тутатқи тутуни фаришта қўлидан ХУДО олдида кўтарилди. Фаришта эса хушбўй тутатқидонни олди ва уни қурбонгоҳ оташи билан тўлдирди, кейин уни ерга ташлади: сўнгра у ерда товушлар ва момоқалдиқлар ва чакмоқлар, ҳамда зилзила бўлди. Етти бурғуси бор етти фаришта эса ўзларини чалишга тайёрлашди.

“Дастлабки фаришта чалди, кетидан эса қон аралаш дўл ва олов келди, улар эса ерга улоқтирилди: дарахтларнинг учинчи қисми ёниб кетди ва барча яшил майса ҳам ёниб кул бўлди. Кейин, иккинчи фаришта чалди, у (тоғ) эса олов билан ёнаётган йирик тоғ каби денгизга улоқтирилди: денгизнинг учинчи қисми эса қонга айланди; Денгизда бўлган ва ҳаётга эга мавжудотларнинг учинчи қисми ҳалок бўлди; кемаларнинг учинчи қисми ҳам бузилиб йўқ бўлди.

“Сўнгра учинчи фаришта чалди, чироқ каби ёниб жаннатдан йирик юлдуз кулаб тушди ва у дарёларнинг [бунгача эса, одатда НУЖлар деб аталувчи ХУДОНИНГ ҳаво кучлари, учар ликопчалар ер юзидаги барча фахшу бузукликларни диққат билан кузатмоқда эдилар ва жирканчу қабих, ярамас одамзотга ХУДОНИНГ қаҳру ғазабини тўқишдан ниҳоятда мамнундир] учинчи қисми узра, ҳамда сувларнинг фаввораси узра тушди; Юлдузнинг номи эса Эрман деб аталди: сувнинг учинчи қисми эса эрманга айланди; кейин кўп одамлар аччиқ бўлгани боис сувдан ҳалок бўлдилар. Тўртинчи фаришта эса чалди, ҳамда куёшнинг

учинчи қисмига қаттиқ зарба берилди ва ойнанинг учинчи қисмига, ҳамда юлдузларнинг учинчи қисмига ҳам шу ҳол бўлди; шу тариқа, уларнинг учинчи қисми қорайиши биланок, куннинг ўзининг учинчи қисми ёруғсиз қолди, ҳамда тун ҳам худди шу куйга тушди.

“Кейин қарасам, осмоннинг ўртасида учиб бораётган бир фаришта баланд овоз билан шундай деганини эшитдим: “Ҳали карнайини чалиши керак бўлмаган учта фаришта бурғусининг бошқа товушлари сабабли ерда яшовчиларнинг холига Вой, вой, вой деб баланд овозда айтиб жаннатнинг ўртаси орқали учиб кетаётган фариштани мен эса пайқадим ва эшитдим! [Бу Битиклар бизнинг барчамизга фаришталар—ХУДОНИНГ вайрон қилувчи фаришталари—келажакда нима ётишини жуда яхши билишини кўрсатади. Бахтга қарши ер юзидаги одамлар, қабих бирлари буни фаҳмлай олишга қодир эмаслар!].

“Сўнг бешинчи фаришта чалди ва жаннатдан ерга тушган юлдузни кўрдим: унга тубсизлик қаърининг калити берилган эди. У эса тубсизлик қаърини очди; тубсизлик қаъридан эса печдан ўрлаётган дудга ўхшаш тутун чиқди; тубсизлик қаъридан ўрлаётган тутундан куёш ва ҳаво қоронғилашиб кетди. Тутундан эса чигирткалар ер юзига чиқди: сўнг уларга ер юзидаги чаёнларда бўлгани каби бир куч берилган эди. Кейин уларга ер юзидаги ўт-ўланларга ҳам, биронта кўкаламзор ёки дарахтга ҳам зарар бермаслиги; балки фақат пешаналарида ХУДО муҳри бўлмаган одамларгагина зарар етказиши буюрилди. [Одамлар ХУДО Эски Аҳда Янги Аҳддагидан кўра кўпроқ қаҳру ғазабли деб айтиши

Зимбабве

Ҳурматли Жаноб,

Африка Радиоси Иккинчи дастури жамоамда шу қадар кўп одамларга янги умид олиб келди. Илк бора уни тинглаганимда, менга таъсир қилди ва мен оиламни мен билан бирга тинглаши учун таклиф қилдим. У шундан буён ҳаётимизни ўзгартирди. Бутун Африка бўйлаб хушхабарни тарқатиш учун кўпдан кўп раҳмат.

Эзгу Раббимиз сизни шунга яраша муқофотласин.

Илтимос, таклиф қилишингиз мумкин бўлган ҳар қандай диний материалларни йўлай олармидингиз. Улар менинг руҳий ҳаётимда ўсиш бўлмай. Шукроналар билан,
Уинстон Тамбуадр

Булауайо, Зимбабве

3 Ибт. 19:12-25 4 Вах. 8:7-13, 9:1-19, 11:19, 14:15-20, 15:1, 5-8, 16:1-12, 17-21

гайритабий эмасми? Бу ерда бу унга ўхшамайди, шундай эмасми?] Шунингдек уларга уларни ўлдиришига эмас, фақат беш ой кийноқ беришига рухсат этилди: улар берган кийноқ эса чаён инсонни чакқандаги кийноқдай эди. Ўша кунларда эса инсонлар ўлимни излагай, аммо уни топмагайлар; ўлимни истаб қолгай, ўлим эса улардан қочгай. [Эски Аҳдда, бундайн ҳолдан тойдирувчи ўлчовли микдорларда жазо ҳеч қачон берилмаган. Шунчаки ўйланг—сиз унга қарши ёки унинг учун овоз бера олмайсиз, дунё аҳолиси истасада-истамаса-да ХУДО БУЮК ЯККАҲОКИМ ва У доимо идорада бўлмоқчи. Сиёсий тўғрилиқ ва демократия йўқ—фақатгина теократия (сиёсий ҳокимият руҳонийларга тегишли бўлган бошқарув шакли) мавжуд!] Чигирткаларнинг шакли эса жангга шайланган отларга ўхшар эди; ва уларнинг боши узра ҳаттоки олтин сифат тож эди, юзлари эса одам юзлари сингари эди. Шунингдек, уларнинг аёллар сочи каби сочлари бор эди,

Миссури

Азир Биродарлар ва Опа-сингиллар,

Раббимиз номидан сизга саломлар. Барчангиз яхши юрингиз деб ибодат қиламан. Мен Раббимиз қўлларида омон ва хавфсизман.

Абадиётларни йўлаганингиз учун раҳмат. Чўпон Аламнинг “Қуриган Суяклар” гувоҳлиги тонг қоларли. Унинг бой ҳаёт ва шуҳратдан чиқиб, тирик Худого хизмат қилишини билиш диққатга сазовордир. Агарда унга ўхшаш кўпроқ одам бўлса, халқимиз анча яхшироқ ахволда бўларди.

Чўпон Аламо мутлақ буюк ва танпарвар. У ҳақда кўпроқ нарса билишни истардим. Чўпон Аламо ҳақида сиз йўлловчи ҳар қандай адабиётдан мамнун бўламан.

Қилаётган барча ишингиз учун ташаккур.

Исо Масиҳ номи билан,

Ричард Баундс Бонне Терре, МО

тишлари эса арслон тишига ўхшар эди. Ва уларнинг худди темирдан қилинган кўкрак қалқондай кўкрак қалқони бор эди; қанотларининг товуши эса урушга елиб бораётган тумонат отлар жанг араваларининг товуши каби эди. Бундан ташқари чаёнлардагига ўхшаш думлари ва уларнинг думларида нишлари бор эди: уларнинг кучи инсонларга беш ой зарар етказиш учун эди. Иброний тилида исми Абаддўн, Юнон тилида эса Апаллўн бўлмиш тубсизлик қаърининг фариштаси бўлмиш улар устида шоҳ бор эди.

“Бир вой эди; энди, мана, бундан кейин яна икки вой келади. Олтинчи фаришта эса чалди, мен эса Худо ҳузуридаги олтинқурбонгоҳнинг тўртта шохидан қўлида карнай бўлган олтинчи фариштага, Буюк Фрот дарёсида боғлаб қўйилган тўрт фариштани ечиб юбор деган овоз эшитдим. Ва инсонларнинг учдан бирини ўлдирсин деб, соат, кун, ой ва йил учун ҳозир (шай) турган тўртта фаришта бўшагиб юборилди. Отлиқ кўшинлар сони эса икки юз минг ва минг эди [икки юз миллион]: мен эса уларнинг сонини эшитдим. Шу тариқа эса мен ваҳийда отлар билан от устида ўтирган сувориларни олов, гиацит (ёқут) ва олтингургуртдан қилинган кўкракқалқонлари билан кўрдим: отларнинг боши бўлса арслон бошига ўхшар; оғизларидан олов, тутун ва олтингургурт чиқиб турар эди. Ушбу учлари томонидан одамларнинг учинчи қисми [агарда ўша вақтда ер юзиде бугундаги каби етти миллиард одам бўлган бўлса, уларнинг учдан бири мазкур ўлат орқали ҳалок қилинган бўлса, бу тарихда бир вақтда ўлдирилган одамлар сони даражасигача мисли кўрилмаган (тенгсиз) сон бўларди. Ҳалиям, биз гарчанд Нух пайғамбар ва унинг оиласи, саккиз қалбдан ташқари барча чўкиб кетганини билсақда, Нух пайғамбар кунларидаги тошқинда қанча одам ҳалок бўлганини билмаймиз.⁵] оғизларидан чиққан олов, тутун ва олтингургуртдан ўлди. Чунки уларнинг кучи оғзи ва думларидадир: сабаби, думлари илонга ўхшаб бошлари бор, айнан улар билан зарар етказадилар. Бу ўлатлардан ҳалок қилинмаган (омон) қолган инсонлар эса ҳам кўра олмайдиган, эшита олмайдиган ва юра олмайдиган Жинларга ва

олтину кумуш, жез ва тош, ҳамда ёғоч бутларга сажда қилмасликлари учун ўз қўллари қилган ишлари туфайли ҳалиям тавба қилмадилар: ҳам улар на ўз қотилликлари [бола олдиришлар], на сеҳру жодулари, на ўз зиною ўғирликларига тавба қилмадилар.”

Ваҳий 11:14-19 да: “Иккинчи мусибат ўтди; мана энди учинчи мусибат тезда келади. Кейин еттинчи фаришта чалди; ва Жаннатда буюк овозлар айтадики, дунё Шохликлари ЭГАМИЗ шохликлари ва УНИНГ МАСИҲИ шохликларига айланди; ва У абадул абадга ҳукм сургай. Ўринларида ХУДО ҳузурида ўтирган тўртта ва йигирма тўнғичлар юз-тубан тушдилар ва ХУДОга бундай деб сажда қилдилар, Биз СЕНГА раҳматлар айтамыз, бор ва бор бўлган, ҳамда келиши керак бўлган ЭИ РАББИМ ҚОДИР ХУДОВАНД; чунки СЕН ЎЗИНГА Ўз буюк кудратингни олгансан ва ҳукм сургансан. Халқлар эса ранжиган эдилар ва СЕНИНГ қаҳру ғазабинг келди ва ўликларни (гуноҳли гуноҳсизликларини) ҳал қилиш ва СЕН Ўз хизматкорларинг пайғамбарлар ва авлиёларга, ҳамда СЕНИНГ исмингдан азиз кўрувчи (ҳаддан ташқари) каттаю кичикларга (мақоми кичиғу катталарга) мукофот беришинг; ерни яксон қилувчи уларни қириб ташлаш керак вақту соати келди. Кейин Худонинг маъбади Жаннатда очилди, ҳамда УНИНГ маъбадида УНИНГ аҳди сандиғи кўринди: ва чакмоқ чакди, ҳам товушлар ва момақалдирик, ҳамда зилзила ва қаттиқ дўл ёғди.”

ХУДОНИНГ ҳаво кучлари, учар ликоплар, НУЖлар ХУДОнинг ушбу охириги ҳукми учун шайланишга айнан ҳозир ерни диққат билан кузатмоқда. Истасангиз кулинг, бироқ у ерда чиндан ҳам фаришталар бошқарган учар ликоплар мавжуд. Миллионлаб одамлар уларни кўрган ва улар бошқа сайёрадан эмаслар.

ХУДО қачон бўлса-да бирон нима қилмасин, Шайтон ундан нусха ола олгандай кўринтиришга уринади. Лекин, Шайтон буни кўчира олмайди. Шайтон НУЖларнинг сохта ваҳийларини йўллайди, ҳамда уларни бошқараётган иблисларнинг йирик, аживаю бадбашара (шакли бузуқ) бошлари бор кичик, ажива одамларга ўхшаш қилади. Бу таклид қилишлар ХУДО ЎЗИНИНГ

(4 Саҳифада давоми бор)

5 Ибт. 7:11-23, 1 Бут. 3:20



ЮКСАКЛИКДА, ОСМОНДА КАРОМАТ, ТУБАНЛИКДА, ЕР ЮЗИДА ЭСА АЛОМАТ

(3 Саҳифанинг давоми)

фаришталари ерни ХУДОга қарши чиқувчи ва ягона-дунё ҳокимияти, БМТ., Янги Дунё Тартиби бўлмаган ХУДО ҳокимиятидан нафратланувчи бутун аҳоли билан бирга вайрон қилишидан салгина олдин Ўз ғайритабиий ҳаво кучларини ҳудудга йўллаётгани фактини майна қилишингиз учундир. Ушбу Янги Дунё Тартиби Шайтоннинг ҳокимияти. Бу Римда сохта пайғамбар томонидан идора қилинувчи махлукдир, ҳамда у Шайтон руҳи томонидан бошқарилади.⁶ Ватикан Шайтоннинг курсисидир (ҳокимият курсисидир).⁷ ХУДО ҳеч қачон одамлар ёки ҳар қандай бошқа мавжудотларни ҳеч қандай бошқа сайёрада яратмаган. Одамлар бундай ўйлагани тентакнамолик!

Вахий 15:5 дан 16:21га қадар бундай таъкидланади, “Шундан сўнг қарадим ва мана, самодаги шаҳодат муқаддас чодир очилди. Етти [охирги] қора ўлати бор бўлган еттифаришта покиза ва оппоқ зиғир мато кийган ва кўксиларига олтин камарлар (белбоғлар) [қайишлар] ўралган ҳолда маъбаддан чиқдилар. Тўрт жондордан бири [Самовий] етти фариштага абадулабад барҳаёт Худонинг ғазоби билан тўлик еттига олтин коса берди. Маъбад ХУДО улугворлиги ва УНИНГ қудратидан дуд билан тўлиб кетди; етти фариштанинг етти [охирги] қора ўлати бажо бўлмагунча, ҳеч одам маъбадга қира олмади.

Бундан кейин маъбаддан етти фариштага, Боринглар, Худонинг ғазоби билан тўлиб-тошган косани ерга тўкинглар, -деган баланд бир овоз эшитдим. Биринчиси бориб косасини ерга тўкди; ўзида хайвоннинг тамғаси бўлган ва унинг тасвирига сажда қилган одамларда ҳалокатли ва оғриқли йирингли яралар пайдо бўлди.

“Иккинчи фаришта косасини денгизга тўкди; ва у ўликнинг қони каби бўлди: ва денгиз ичидаги бутун тирик қалблар ўлди. Учинчи фаришта косасини дарёларга ва сув фаввораларига тўкди; булар ҳам қонга айланиб кетди. Сувлар фариштасининг шундай деганини

6 Дон. 2:40, 7:19-25, 12:1, Вах.13:2-8, 14:8, 16:13-14, 19-20, 17:1-9, 18:2-24 7 Вах. 13:1-12, 17:1-9

эшитдим, СЕН солихсан, ҳозир бор, азалдан бор ва бор бўлгай ЭЙ РАББИЙ, чунки СЕН шу тариқа ҳукм қилгансан. Зеро улар авлиёлару пайғамбарлар қонини тўккани учун, СЕН уларга ичишга қон тўкдинг; чунки улар бунга лойиқдир. Курбонгоҳдан чиқиб бошқасининг бундай деганини эшитдим, ҳатто шундай бўлса-да, ЭГАМ ҚОДИР ХУДОВАНД, чин ва солихдир СЕНИНГ ҳукмларинг. Тўртинчи фаришта ўз косасини қуёш устига тўкди; унга эса инсонларни ўтда сал қуйдириш (жизғанак қилиш) қудрати берилди. Жазирама иссиқ одамларни бизғанак қилди ва ушбу ўлатлар устидан ҳоким ХУДО исмига шак келтирди: улар эса УНГА улугворлик, ҳамду сано бермаслик учун тавба қилмадилар. Бешинчи фаришта косасини махлук курсисига (ҳокимият курсисига) [Римнинг Ватикани] тўкиб юборди; унинг салтанати зимистонга тўлган эди; улар эса оғриқдан тилларини ғажиди (кемирди), Кейин Само ХУДОсига оғриқлари ва йирингли яралари туфайли шак келтирдилар, ҳамда қилмишларидан [айни бугунги кундаги каби] тавба қилмадилар. Олтинчи фаришта косасини буюк Фрот дарёси устига тўкди; Кунчиқардан келадиган шохлар йўли ҳозирлансин деб, дарёнинг суви қуриди. Бундан кейин аждаҳо [Шайтон] оғзидан чиқувчи, махлук [Дажжол, ягона-дунё ҳокимияти, БМТ., Ватикан бўлмиш Римда бош идорасига эга Янги Дунё

Тартиботи] оғзидан чиқувчи ва сохта пайғамбарнинг [Ватикан, Рим Католик шайтоний култи, бутга сиғинуви] оғизларидан чиқувчи қурбақанамо учта нопок руҳни кўрдим. Чунки, булар мўжизалар яратадиган иблисларнинг руҳидир. Зеро, улар ҳар нарсага ҚОДИР ХУДОнинг ушбу улуг қунида бўладиган жангга барча жаҳон ва ер шохларини тўплаш учун чиқувчи иблислар руҳлари, иш бераётган мўжизалардир.

“Мана, мен ўғри каби келаман. Марҳаматлидир хушёр тортган ва ялонғоч юрмайин ва уялганини улар кўрмасин деб кийимини [унинг нажоти⁸] сақлаб турган киши. Ва уларни яхудий тилида Ҳор-Магидўн дейилган жойга тўлади. Еттинчи фаришта косасини ҳавога тўкди; Самовий маъбаддаги тахтдан, Амалга ошди-деган баланд бир овоз чиқди. Шу вақт овозлар янграб, момақалдироқ гулдираб, яшинлар чакнади; Шундай кучли зилзила бўлдики, гўёки ер юзида инсон яшагандан бери бу қадар кучли зилзила юз бермаган, шу қадар кучли зилзила ва шу қадар йирик. Улуғ шаҳар уч бўлакка бўлиниб кетди ва халқлар шаҳарлари ер билан яксон бўлди: УНИНГ қаҳр-ғазоби шиддату авжи шароби билан тўлган пиёла унга берилсин деб, буюк Бобил шаҳри ҳам Худонинг ҳузурда хотирланди. Ҳар

8 Матт. 8:10-12, 13:37-43, 47-50, 22:8-14, 24:42-51, 25:1-13, Луко 9:23-26, 62, 12:35-48, 14:15-35, Рим. 8:35-39, 2 Кор. 5:1-4, Вах. 3:1-3, 8-22

Того

Французчадан ўгирилган

Тони Аламо Хушхабарчилик Хизматидан азиз чўпонлар, хайрли кеч.

23 Февраль, 2013 йилдагина мактубхалтани олдим. Бу мактубхалта учта Француз Инжиллари, беш *Халоскор (Муқаддас Ёғ Суртилган)*, икки футболка ва минглаб дона адабиётларни ўз ичига олади. Биз ушбу материаллар манзилига тез етиб бориши учун барча керакли нарсаларни қиламиз.

Тогодаги менинг ҳам-касбларим сизга саломларини йўллашимни ва сизнинг қалбларга нажот беришда хайрихоҳлигингиз учун сизга миннатдорчилик билдиришларини менга айтмоқдалар. Эгамиз Исо номи билан барчангизга марҳамат бўлсин. Омийн!

Эҳтиёжларимиз Тогода бу ерда ғоят каттадир. Агарда мумкин бўлса, бизга кўп миқдор халталарда Француз Библиялари, кўплаб адабиётлар каби Хушхабар материалларни йўллашда давом этинг. Адабиёт олганимизда тез тарқатилиб кетади. Одамлар Тогодаги Аламо чўпонларидан Хушхабар асарларини ўқиш учун кўп адабиётларни исташади. Кўплаб ўқувчилар Халоскор (Муқаддас Ёғ Суртилган) номли ушбу кичик китобча туфайли ўз ҳаётларини Исога топширмоқда.

Самимият билан,

Атчоу Кокоу

Того Тони Аламо Хушхабарчилик Хизматлари

қандай орол ўрнидан жилди, тоғлар кўздан ғойиб бўлди. Осмондан ҳар бир донаси тақрибан таланти (Юнонистон ва Сурияда пул ва оғирлик бирлиги)) келадиган йирик дўл инсонлар устига ёғилди. Одамлар эса дўл балосидан Худода шак келтиришарди, чунки бу бало хаддан зиёд эди.”(Ваҳий 16:14-21).

Масихий салтанати шунингдек бутунлигича дунё аҳолиси ҳам кўринмас салтанат, фаришталар салтанатидан хабардор бўлишга ниҳоятда катта эҳтиёж сезади. Эзгу фаришталар мавжуд ва ёвуз фаришталар мавжуд. Эзгу фаришталар ХУДО фаришталаридир ва улар “Кузатувчи фаришталар” деб аталади. Улар сиз ва мен қиладиган ҳар бир ҳаракату кўзғалишни кузатмоқда ва шунингдек сиз ва мен сўзловчи ҳар бир сўзни эшитади.

Ибтидода, патриарх Иброҳим ўз хизматкорига Иброҳимнинг она ватани, Месопатамияга бориб, ўғли Исҳоқ учун хотин топишига йўл-йўриқ кўрсатди. У ўз хизматкорига бундай деди, “Мени отам уйидан, уруғ-аймоқларим (қавмим) еридан олган, Самовий ЭГАМИЗ ХУДО

менга гапириб ва қасамёд қилиб, шу ерни сенинг зурриётингга бераман, -деди; У Ўз фариштасини [Ўз Кузатувчи фариштасини] сенинг хузурингга йўллагай” (Ибтидо 24:7) деб айтган эди. У эса ўз хизматкори хузурига ЎЗИНИНГ фариштасини айнан йўллади, хизматкор бўлса Батуилнинг қизи, Ёшур Китоби, 24 боб, 40 оятга кўра ўн ёшга кирган Ривқони топди. Исҳоқ Ёшур Китоби, 24 боб, 45 оятга мувофиқ қирк ёшда эди. Шунингдек, бу Ибтидо 25:20 да тасдиқланган. Исроилни (Ёқуб) Исҳоқдан тукқан Ривқо эди. У Эсов ва Ёқубни дунёга келтирди. ХУДО у Ёқубнинг исмини Исроил учун ўзгартирди, ўшанда у билан Маҳанайимда бўлган кураш мусобақасида зафар кучди (Ибтидо 32:24-28).

Бу Исроил халқини қуруқ ердаги Қизил Денгиз орқали бошлаган ЭГАМИЗнинг фариштаси эди ва бу воқеадан аввал, Мисрликлар лагери ва Исроил халқи лагери ўртасида Исроил халқи ортидан борарди. (Чиқиш 14:15-20).

Ибтидо 19:1да бундай таъкидланади, “Кечкурун Садўмга икки фаришта келди.” Ибтидо 19:12-13да, икки одам

(фаришталар) Лутга бундай деди, “Сенинг бу ерда бундан ташқари киминг [қариндошларинг] бор? Куёвингми, ўғлингми, қизингми, шаҳарда киминг бўлса уларнинг барчасини бу жойдан олиб чиқиб кет: Чунки биз [фаришталар] бу жойни ер билан яксон қилурмиз, уларнинг оху фиконлари ЭГАМИЗ имони хузурида ўта ошиб кетгани боис; ЭГАМИЗ эса бизни уни кириб ташлаш учун юборди.”

Садўм ва Ғамўра ва унинг атрофидаги шаҳарларни ер билан яксон қилган фақат икки фаришта бор эди (Ибтидо 19:12-29). Санхаривнинг бутун аскар кўшинини ҳалок қилган ёлғиз бир фаришта бор эди. Санхарив Исроилга ўз кўшини не қадар кучли ва қудратли эканини айтиб мақтангандан кейин, 2 Шоҳлар 19:35да таъкидланадики, “Ўша окшом шундай бўлдики, ЭГАМИЗНИНГ ФАРИШТАСИ [бир фаришта] чиқди ва Оссурийлар истиқоматгоҳида юз саксон беш мингини [185,000] ўлдирди: ва қачонки улар эрталаб шаҳарда ўрнидан турганда, мана, қарасалар, улар барчаси ўлик жасад эди.”

Бир фаришта бутун Миср кўшинини яксон қилди ва бир фаришта Санхаривнинг бутун кўшинини тор-мор қилди. Етти фаришта бутун ерни яксон қилгай. Нью Йорк; Нью Жерси; Нью Орлеан, Луизиана; Джоплин, Миссури; Гаити; Индонезия; ва Япония каби ер юзидаги маълум жойларни яксон қилиб оғоҳлантирувчи аломатлар сифатида ҳозир ХУДОнинг фаришталари томонидан бошқарилган НУЖлар, учар ликопларни кутилмаганда юзлаб кўриб қолишлардан одамлар не қадар кўрқишлари керак? Улар бутун дунё бўйлаб юзлаб бошқа манзилларни яксон қилмоқда. ЭГАМИЗ бутун дунё бўйлаб шаҳарлар ва одамларни яксон қилиш учун фаришталарни йўлламоқда.

Матто 24:21-22 да бундай таъкидланади, “Чунки ўшанда дунё бошланишидан то ҳозиргача содир бўлмаган, йўқ, ва қайтиб содир бўлмайдиган буюк мусибат бўлмай. Агар ўша кунлар қисқартирилмаганида эди, ҳеч бир жонзод омон қолмасди: лекин танланган кишилар учунгина у кунлар қисқартирилади.”

Ҳозир дунё охиридир. Бошқалар дунё охири бўлди деб айтишди ва ХУДО танлаган аниқ вақтни гўёки билгандай бир
(8 Саҳифада давоми бор)

Лачлан Жонсон Гувохлиги

Мен Австарилияда туғилиб ўсдим, ота-онам эса диндор эмасдилар, ҳамда албатта Масихий ҳам эмасдилар. Ҳеч қачон Масихий имонида ҳеч қандай йўл-йўриққа (етакловга) эга бўлмаганман. Мен вақтидан жуда илгари туғилганлигим туфайли тирик бўлишдан омадли бўлганимни айтишим мумкин. Мия фалажи ва Мускулда модда алмашинуви Бузилиши (дис-трофия) енгил ҳолати бор эди.

Яхши, ҳалиям анча ёш эдим ва дўстимнинг уйида эдим. Бу анча равшан, аммо мен Самодаги ўзимнинг узун уйимга боргандагина на тўлиқ эслай оламан...Дўстимнинг мультипликация чизиш шаклида болаларнинг Инжил китоби бор эди. Унда машина уриб кетган менга ўхшаш кичик бола бор эди. У велоси-



Биродар Лачлан Жонсон

педини бошқараётган эди ва мен Раббимиз унга шифо бермоқчи бўлган бўлмаганлигини эслай олмайман, лекин Раббимиз Исонинг шарпаси юқорги бурчакда эди. Айтганимдек, у равшан эди ва Эгамиз ҳамма нарса жойида бўлмоқчидай менга таассурот қолдирди. Агар бола шифо топганда, бу

ажойиб бўларди, ёки агарда у ўлса, у Жаннатда бўларди. Бу ютқузуксиз вазият эди. Бу лаҳзада, Эгамиз Ўзининг Йўл, Ҳақиқат ва Ҳаёт эканлигини тушунишимга йўл очди. Шундай қилиб, қайта туғилиш тажрибасига эга бўлмаган бўлсам-да, Масихий эдим деб ўйлардим ва айттардим.

Ота-онам отам дунёга келган янги штатга кўчишга қарор қилишди. Бир
(6 Саҳифада давоми бор)

Лачлан Жонсон гувоҳлиги

(5 Саҳифанинг давоми)

оз кейинрок, ота-онам ажрашишди. Отам онамнинг улғайтириб ўстириши менинг учун яхши муҳит эмас деб қарор қилди, шунинг учун у мени интернатга жойлаштирди. Бу онамдан ажратиш ва ҳарбий нусхадаги мактаб тарбиясига жойлаштирилишим менинг учун жуда оғир эди. Мактаб бойлар учун хусусий мактаб эди. Онам бу менинг учун яхши бўлади деб ўйлади, шу сабабдан мен у ерда қолдим.

Мен Масихий эканлигимни айтиб ҳамма жойда юрардим ва ҳатто баъзи бир гуноҳкор ибодатини айтганимда ҳам, у ерда кутқарилиб қолишимга ёрдам берган ҳеч ким бўлмади. Улар Инжилнинг Шоҳ Ёкуб Нусхасини (King James Version Bible) айнан ўқиди ва биз Забурлардан (улар куйга солинган эди) куйладик. Бироқ Масихийликка ҳеч қачон ҳатто даъвогар одамлардан кўра ёмонрок гуноҳларни содир қилаётгандим. У ерда (мактабда) қайта туғилиш, Худонинг Муқаддас Руҳи орқали бошқарилиш йўқ эди. Бу бир уюштирилган (ҳақиқий эмас) дин эди. Масихий эканликларини айтган ҳар қандай талабалар—ҳаётни ўзгартириш тажрибаси ўрнига ўткинчи кизиқиш турдаги тажрибага эга эди.

Шундай қилиб, мен мактабни битирдим. Мактабдаги дўстларимдан баъзилари Австралиядаги энг йирик ривожланаётган ибодатхоналардан бирига қатнаётганди, аммо Худодан кўркишингиз ва Унинг амрларига риоя қилишингиз кераклиги бўйича тарғиб (ваъз) қилмагани боис, бу энг йирикларидан биттаси эди. “Масихий” баскетбол, “Масихий” сёрфинг тахта ва ёшлар гуруҳи бор эди. Шу тариқа, ибодатхонага кўплаб янглиш сабаблар ва амаллар туфайли борардим, хафтанинг қолган кунларида истаган нарсамни қилардим. Улар гуноҳнинг қатъийлигини тарғиб (ваъз) қилмасдилар. Улар ҳеч қачон сизнинг алоҳида ва муқаддас одам бўлишингиз, дунёдан ажраган бўлишингиз нуктаи назарига урғу бермасдилар. Гувоҳлик бўйича ибодатхонанинг ғояси мартабангиз ёки ишингизда муваффақиятли бўлиш ва сўнгра қачон қила олсангиз ўшанда гувоҳлик бериш эди.

Мен нотўғри, янглиш оломонга бордим ва ибодатхонадаги бу гуруҳдаги одамлар бутун ҳаётингиз давомида ишлашнинг мазмуни йўқлини айтиб қарор қилишди; энди кўнглингиз тусганини қилинг (маза қилинг, вақтичол

хушликлик қилинг). Шундай қилиб, мен ишлагандан маош олардим (ишсиз). Ота-онам нафратланарди. Буни қилишдан бир оз вақт кейин, ўзгариш учун АҚШга келишга аҳд қилдим. Бу Милод байрами вақти, 1986 йил эди. Мен бу ерга учдим ва шунчаки саёҳат қилдим. Мен шу қадар имондан қайтган ва барча хил гуноҳларга кириб бораётгандим, лекин ҳалиям мен Масихий бўлганимни айттардим. Бу 3 ой давом этди.

Чўпон Аламанинг ибодатхонаси бўлган Майямида эдим. Қўлларимда пиво билан денгиз қирғоғидан қайтаётгандим ва у ерда адашган қалбларни кидираётган кўчада хушхабарлик тарғиботидан икки ака-укалар бор эди. Улар менга яқин келди ва Масихиймисан деб сўради ва мен ҳа дея жавоб бердим. Улар “Барча амрларга риоя қилаясизми” деб сўради. Мен “Йўқ” дейишим керак эди. Улар менга қалбимдаги гуноҳ мени оташли Дўзахга етаклаётганини айтишди. Мен буни худди кечагидай эслайман. Улар мендан хизматга боришни исташ-истамаслигимни сўради, шундай қилиб мен хизмат учун уларга эргашдим.

Хизмат кичик уйда бўлиб ўтди—серҳашамликдан асар ҳам йўқ эди. Ҳаётимни Эгамизга қайта бағишладим. Хизматдан сўнг, ўзимни жуда тоза ҳис

Замбия

Азиз Биродарлар,

Бизнинг тезда келувчи Халоскоримиз (Муқаддас Ёғ Суртилган) Исо Масихнинг ажойиб номи билан саломлар. Оилам, жамоатим ва мен яхши юрибмиз. Ибодат ила умид қиламанки, сизнинг аҳволингиз яхши. Мен Чўпон Тони Аламога яхши соғлиқ ва Худонинг ҳимоясини тилаб ибодат қиламан. Жума куни мен сиз йўллаган жўнатма халталарни олдим. Қўллаб-қувватлаганингиз учун раҳмат.

Масих ҳам назарий (ўрганиш) ҳам амалий (бажариш) Масихийликнинг (Масих ишларининг) асосий руҳлантисувчи (ҳаракатлантисувчи) кучидир. Масих тўғрисида тўғри билим асосийдир, ҳамда муқаддаслашиш, оқланиш бўйича тўғри билим учун аҳамиятлидир.

Исо исми абадий улўворлик дарвозаси орқали кириш ҳуқуқини қўлга киритажак ягона исмдир. Агарда биз ўз исмиимизда ушбу дарвозага келсак, биз

йўлдан адашамиз; биз қабул қилинган бўлмаймиз; биз қабул қилинмагаймиз. Агарда Исо номи билан келсак, бу паспортдир ва биз кирамиз ва яшаймиз. Масих қони тамғаси бизни ҳалокатдан кутқара оладиган ягона тамғадир.

Якшанба куни, мен Чингала Туманида Инжил Йўли Хизматларида ваъз қилдим. Мактуб Ёшуа 1:1-9 даги “Кучли бўл ва яхши жасоратга эга бўл” тарзида эди. Жамоат ваъзни эшитишга ташна эди. Хизматдан кейин, мен уч манзилда тўрт ибодатхонага Чўпон Аламанинг Хушхабарчилик адабиётини тарқатдим. Чўпонлар Исо Масих орқали нажот режасини ташувчи Хушхабарчилик адабиётларини олишдан мамнун эдилар.

Шу аснода, Чўпон Лазароус Кулули Инжил Йўли Хушхабарчилик хизматлари бўйича бошқа ибодатхона жойлашган Нгоса жамоа хўжалиги деб аталмиш жойдаги қишлоқ худудида ваъз қилиш

учун борди. У шунингдек талаб ҳалиям юқори бўлгани сабабли у ерда Хушхабар адабиётингизни тарқатди. Агар Эгамиз манбалар билан таъминласа, Солвези йўли бўйлаб жойлашган ибодатхоналарга ёрдам бериш учун кўпроқ Хушхабар адабиётларини йўлланг.

Ҳамиша қўллаб-қувватловингизни юқори баҳолайман. Кўп қалблар Хушхабар адабиётингиз орқали қозонилди.

Хулоса қилиб айтганда, жамоатга менинг илтифотли саломларимни айтиб қўйинг. Тез орада сиздан эшитгайман деб ибодат қиламан.

Масихдаги сизнинг ҳамкасбингиз, Исон Полени Коппербелт, Замбия P.S. Вусақилда ва Чамболи Тауншипсда хушхабар ёяётган Чўпон Морал Мусондага Хушхабар адабиётларнинг қолганини олиб бордим. Бу Масих учун кўпроқ қалбларни забт этмоқда.

килдим. Ушбу хушхабар хизмати борасида энг яхши нукталардан бири уларнинг мен хушхабарчилик хизматида яшай олишим ва барча эҳтиёжларим инobatга олинишини айтишлари эди. Эгамиз менинг бу хилдаги ибодатхона муҳитига муҳтож эканимни биларди, чунки гуноҳкор ибодатини айтгучи ва кейин йўлида давом этиб яна гуноҳга қайтиб йикилувчи ўта кўплар каби бўлиб қолардим.

Бу 1987 йилнинг Апрельда бўлди ва мен ўша вақтдан буён хушхабарчилик хизмати билан бирга эдим. Хушхабарчилик хизматида, кўплаб хизматларга бордим, Чўпон Аламо-



Чўпон К.С. Манохар (юқоридан чапда, ва настдан ўнгда)
Ҳиндистоннинг Андхра Прадеш,
Висакхапатнам шаҳрида Чўпон
Аламнинг қалбларни забт этувчи
адабиётини тарқатмоқда

нинг хушхабарчилик адабиётидан гувоҳлик бериб ва тарқатиб мамлакат бўйлаб юрдим. Кўплаб турли иш маҳоратларини ўргандим. Чўпон Аламо яхши дўст бўлди ва менга руҳий жихатдан кўпдан кўп ёрдам берди. Бу Масиҳий Хушхабарчилик хизмати киши қалби учун чиндан ҳам хавфсиз бошпанадир. Эгамиз менинг учун жой таъмин этганидан шу қадар хурсандман, чунки улар Жаннатга тўғри йўлдамиз деб ўйловчи, аслида битикка кўра, Дўзахга қараб кетувчи йўлда бўлган кўплаб даъвогар Масиҳийлар каби бўлган бўлардим. Эгамизга ва Чўпон Аламога, ҳамда менга ёрдам қўлини чўзган Масиҳ танасида бўлмиш барча биродару опа-сингилларга ҳамдлар ва раҳматлар айтаман. Эгамизга Ҳамду Санолар бўлсин, Лачлан Жонсон



Куба

Испанчадан ўғирилган

Севибли Биродар Чўпон Аламо,

Истайманки, Худо юрагингиз ўтинчларини тортиқ қилади. Янги йилингиз билан! Чўпон, ахийри мен сўраган СДларни ва “Тони Аламо” футболкаларини олганим туфайли ниҳоят миннатдорман. Бу мени жуда бахтли ҳис қилдирди. Чўпон, кўплар сизнинг янгилик варақаларингизни ва *Халоскор (Муқаддас Ёз Суртилган)* китобингизни олган. Бу Исо Масиҳ тўғрисида аниқроқ ва кенг камровлироқ билимга эга бўлган кўпларга таъсир қилди. Янгилик варақаларингиз шодлангирди ва кўп қалблар ҳаётини тўлдирди. Биз хушхабар тарқатиш учун кўпроқ вақтимиз ва кўпроқ эркинлигимиз бўлишини истардик, бироқ Худо бизга нимани кўрсатса, ўшани қилгаймиз.

Биз барчангиз учун ибодат қилишда давом этамиз, Чўпон. Бўшашманг. Олға интилинг. Худо бизни севади. “Хушёр ва бедор бўлинглар. Муҳолифингиз (ракибингиз) иблис бировни бир ямлам ютиб юбориш учун излаб, шердай бўкириб кезиб юрибди. Дунёдаги биродарларингиз худди шундай азобларга дучор бўлаётганларини билиб, ўзгармасу оғишмас (барқарор) имон билан иблисга қарши турунглар” (1 Бутрус 5:8-9). Барчангизни ниҳоятда яхши кўраман!! Баракаласин!

Дайие Маделейдис

Гавана, Куба

Россия

Салом,

Эътиқодларингиз асосига эга варақаларингиз учун кўпдан кўп раҳмат. Буларнинг барчасини Инжил билан солиштирдим ва бу ҳақиқат! Энди бу менинг имонларимдир. Бахтга қарши, Россияда ишониш жуда қийиндир. Қалбларни излаб хушхабар варақаларининг бир қисмини тарқатдим, лекин мен ёмон одамларга учрадим ва улар мени бунинг учун калтаклашди, чунки мен бу ҳақиқатни улар билан бўлишмоқчи эдим. Мен мактубингизга узок вақтдан буён жавоб ёза олмаганим учун кечиринг. Мен камбағал кишиман ва менинг интернетга уланиш имконим йўқ. Ҳозир жуда мушкул. Иш йўқ ва вақти вақти билан егулик ҳам бўлмай туради. Менинг учун ибодат қилишингизни сўрайман. Сизга тез орада ёзишга ҳаракат қиламан. Ҳалиям баптизм ва келгуси алоқамиз ҳақида ўрганадиган нарса бор.

Россиядан дўстингиз,
Максим Р.

Кения

Қадрли Инжилчи Тони Аламо,

Сизнинг эшиттиришларингизни топганим учун Худога шукроналар айтаман. Дастурингиздан кўп нарсаларни ўргандим.

Қандай яшаш ва севиш ҳамда, соғлиқ ва оила ҳақида жиддий нарсаларни гапирасиз.

Эгамиз мени ва оиламни, ҳамда ота-онамни кутқариш учун сиздан фойдаланди. Баъзи бир фойдали Масиҳий адабиётлардан менга йўлланг.

Унинг Муқаддас номи ила,

Симон Нугуи

Ньяхурури, Кения

Филиппин ороллари

Саёҳатимнинг бир қисми бўлганингиздан миннатдорман. Дастурингиз руҳий эҳтиёжларимга жавоб беришда катта рол ўйнади. Умид мактубларингиз менга бадастирлик ва тасалли (юпанч) олиб келди ва мушкулотларга қарамасдан давом этишимга илҳомлангирди. Мен таслим бўлишни истаган вақтлар бўлади. Лекин мактубларингиз агарда Раббимизга умид боғласам, бу барча нарсалар ўтиб кетиши борасида ҳамиша бирдан ялт этиб миямга келади.

Раҳмат, қалбларга нажот беришдек буюк ишингизда маҳкам турунгл.

Эҳтиром ила,

Жоселин Огайон

Квезон Шаҳри, Филиппин ороллари

ЮКСАКЛИҚДА, ОСМОНДА КАРОМАТ, ТУБАНЛИҚДА, ЕР ЮЗИДА ЭСА АЛОМАТ

(5 Саҳифанинг давоми)

санани кўрсатишди. Мен бундай қил-майман, бироқ бунинг охиратлигини сизга аниқ айтаман. Жаннат Шоҳлигида абадийликни ўтказа олишингиз учун РУҲда қайта туғилиш ва гуноҳларингизга тавба қилишингизнинг айна вақти деб ўйламайсизми? Агар бу сизнинг истагингиз бўлса, унда бу ибодатни қилинг:

Раббим ва Худойим, қалбимга, гуноҳкорга раҳм қил.⁹ Ишонаманки, ИСО МАСИҲ тирик ХУДОнинг ЎҒ-ЛИДир.¹⁰ Ишонаманки, У барча эски гуноҳларимнинг кечирилиши учун хочда қурбон бўлди ва ЎЗИНИНГ қимматли қонини тўқди.¹¹ Ишонаманки, ХУДО ИСОни МУҚАДДАС РУҲИ кучи орқали ўликлардан тирилтирди,¹² ва У гуноҳимни тан олишимни ва бу ибодатни эътироф этишимни эшитиб бу вақтда ХУДОнинг ўнг қўлида ўтиради.¹³ Юрагим эшикларини очаман, ва СЕНИ қалбимга чорлайман, РАББИМ ИСО.¹⁴ Бош Суяги деган жойда хочда менинг ўрнимга СЕН тўққан қимматли қон билан бутун ярамас гуноҳларимни ювиб ташла.¹⁵ СЕН мени рад этмайсан, РАБ-

БИМ ИСО; СЕН гуноҳларимни кечирасан ва қалбимни қутқарасан. СЕНИНГ КАЛОМИНГ, Инжил шундай дегани учун биламан.¹⁶ КАЛОМИНГ СЕН ҳеч кимдан юз ўғирмаслигингни айтади, ва бу мени ҳам ўз ичига олади.¹⁷ Шу туфайли, СЕН мени эшитганингни биламан, ва СЕНИНГ менга жавоб берганингни биламан, ҳамда нажот топганимни биламан.¹⁸ Ва қалбимга нажот берганингни учун СЕНдан миннатдорман, РАББИМ МАСИҲ, ҳамда СЕН буюрганнинг каби амрларингни бажо келтириш ва бошқа гуноҳ қилмаслик орқали миннатдорчилигимни билдираман.¹⁹

Қутқарилишдан кейин, ИСО сизнинг ОТА, ЎҒИЛ, ва МУҚАДДАС РУҲ номи билан, тўлиқ сувга ботирилиб, чўмдирилишингиз зарурлигини айтди.²⁰ Инжилнинг Ёқуб Подшоҳ нусхасини қунт билан ўқинг ва ўладиган кунингизга қадар айтилганларига амал қилинг.²¹

РАББИМИЗ нажотинг (Марк 16:15) ҳақида бошқаларга айтишингни истайди. Чўпон Тони Аламнинг Хушхабар адабиётининг ёювчиси бўлишинг мумкин. Бу адабиётни сизга текинга йўллаймиз. Кўпроқ маълумот олиш учун бизга қўнғироқ қилинг ёки электрон мактуб йўлланг. Ушбу мактубни бошқа кимдир-бирова билан бўлишинг.

Агар ИСО буюргани каби дунёнинг нажот топишини истасангиз, унда ХУДОдан УНИНГ ушрлари ва эҳсонларини ўғирламанг. ХУДО шундай деди, “Инсон ХУДОдан нарса ўғирлашга журъат қилади? Аммо сизлар Менин нарсамни ўғирлаясизлар! Яна “нимангни ўғирлабмиз?” деб сўрайсизлар. Ушр ва эҳсонларимни ўғирладингиз! Э, лаънати бўлиб кетинглар! Менин нарсамни ўғирлабсиз—а! Сизлар, бутун халқ, [ушбу бутун дунё] лаънатисизлар! Қани, омборхонага ушрни [ялпи киримингизнинг ўн фоизи] бекамаи—кўст қилиб олиб келинглар. Хонадонимга [нажот топган қалблар] озуқа [руҳий озуқа] келтиринглар. Шу йўл билан Мени синаб кўринглар, — дейди Сарвари Олам. — Шунда кўрасизлар, Мен Само деразақопқаларини очаман. Сизларга марҳаматимни чексиз сероб қилиб ёғдираманки, уни қабул қилишга жой қолмагай. Мен нобуд қилганингни сиз учун юзига соламан. У экинларингизни нобуд қилмайди. Далада ҳосил вақти келгунга қадар узумзорларингиз ҳосили ерга тушмайди ҳам, — дейди Сарвари Олам.— Шунда барча халқлар сизларни бахтли деб атайди. Ҳа, юртингиз оромбахш бир жой бўлади, — дейди Сарвари Олам (Малаки 3:8-12).

9 (Заб. 51:5, Рим.3:10-12, 23) 10 (Мат.26:63-64, 27:54, Луко 1:30-33, Юх. 9:35-37, Рим.1:3-4) 11 (Хав.4:12, 20:28, Рим.3:25, 1 Юх. 1:7, Вах.5:9) 12 (Заб. 16:9-10, Мат.28:5-7, Марк 16:9, 12, 14, Юх. 2:19, 21, 10:17-18, 11:25, Хав.2:24, 3:15, Рим.8:11, 1 Кор.15:3-7) 13 (Луко 22:69, Хав.2:25-36, Ибр.10:12-13) 14 (1 Кор.3:16, Вах.3:20) 15 (Эф.2:13-22, Ибр.9:22, 13:12, 20-21, 1 Юх. 1:7, Вах.1:5, 7:14) 16 (Мат.26:28, Хав.2:21, 4:12, Эф.1:7, Кол.1:14) 17 (Мат.21:22, Юх. 6:35, 37-40, Рим.10:13) 18 (Ибр.11:6) 19 (Юх. 5:14, 8:11, Рим.6:4, 1 Кор.15:10, Вах.7:14, 22:14) 20 (Мат.28:18-20, Юх. 3:5, Хав.2:38, 19:3-5) 21 (Қонун. 4:29, 13:4, 26:16, Ёш.1:8, 22:5, 2 Тим. 2:15, 3:14-17, Ёқуб 1:22-25, Вах.3:18)

Илтимос кўпроқ маълумот олиш ёки қизиқтириши мумкин бошқа мавзулар бўйича адабиётлар олиш учун бизга боғланинг.

Тони Аламо, Дунё Чўпони, Тони Аламнинг Дунё бўйлаб Христиан Хушхабарчилик хизматлари
Почта Қутиси 2948, Голливуд, СА 90078 АҚШ

Йигирма тўрт соатлик ибодат ва маълумот линияси: (661) 252-5686 • Факс (661) 252-4362

www.alamoministries.com • taoffice@alamoministries.com

Тони Аламнинг Дунё бўйлаб Христиан Хушхабарчилик хизмати чиндан ҳам РАББИМИЗга бутун юраги, қалби, вужуди ва кучи билан хизмат қилишни истаганларга АҚШ манзилларимизда ҳаёт учун зарур бўлган барча қулайликларга эга яшаш жой билан таъминлайди.

Хизматлар Нью Йорк шаҳрида ҳар Сешанба кунини соат 8 тушдан кейин ва бошқа жойларда оқшом ўтказилади. Илтимос маълумот учун (908) 937-5723 рақамига қўнғироқ қилинг. ҲАР БИР ХИЗМАТДАН СЎНГ ТАОМ УЗАТИЛАДИ.

Чўпон Аламнинг китобини, Муқаддас Ёғ Суртилган сўранг, Эски Аҳддан аён бўлган МАСИҲ 333 дан ортиқ башоратда намоён бўлди.

Чўпон Аламнинг адабиётини ёювчи бўлиб кўнғиллар йиғим-теримида меҳнаткаш бўлинг.

Барча адабиётларимиз ва аудио мактубларингиз етказиб беришни ўз ичига олган ҳолда текин дидир. Агар кимдир улар учун сиздан ҳақ сўрашга ҳаракат қилса, илтимос (661) 252-5686 рақамига текин телефон қилинг.

УШБУ АДАБИЁТ НАЖОТНИНГ ҲАҚИҚИЙ РЕЖАСИНИ ТАШИЙДИ (Хав 4:12).

УНИ ТАШЛАБ ЮБОРМАНГ, УНИ БОШҚА БИРОВГА УЗАТИНГ.

Бошқа мамлакатда бўлганларингизни эса ушбу адабиётни ўз она тилингизга таржима қилишингизга ундайсиз. Агар қайта нусха чиқарсангиз, илтимос ушбу муаллифлик ҳуқуқи ва қайдни қўшиб чиқаринг:

© Муаллифлик ҳуқуқи Март 2013, 2015 Барча ҳуқуқлар муҳофазаланган Дунё Чўпони Тони Аламо © Март 2013, 2015 ойида рўйхатга олинган

UZBEK —VOLUME 17600—WONDERS IN HEAVEN ABOVE AND SIGNS IN THE EARTH BENEATH